ПИЛЛА ҲАМ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

БУХОРОЛИКЛАРДАН КЕЙИН АНДИЖОНЛИКЛАР ҲАМ МАРРАГА ЕТИШДИ. МАМЛАКАТГА 3.639 ТОННАДАН КЎПРОҚ АНДИЖОН ПИЛЛАСИ ТУҲФА ҚИЛИНДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ ТЕЗРОҚ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 123 (12.476)

Сешанба, 28 май 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШИНИ НАМУНАЛИ УЮШТИРАЙЛИК

— Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! Бу олижаноб сўзлар партиямиз ва Совет давлати бутун фаолиятининг асосидир. Партиямизнинг тарихий XXII съезди қарорларида, КПСС Программасида, ленинчи Марказий Комитетимиз белгилаётган ва амалга ошираётган барча улкан ишлар ва тадбирларда ана шу мақсад ленинча донолик билан ифода этилган.

Мамлакатимизда меҳнаткашларнинг эркин, ижодий ва яратувчилик ишлари учун, янгиликлар кашф этишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Меҳнат шон-шараф ишига, қаҳрамонлик ишига айланган бизнинг мамлакатимизда ҳалол ва фидокорона ишлаган, барча топшириқ ва планларни ошиғи билан бажарибб, бошқаларга намуна бўлаётган ҳар бир киши юксак ҳурматга сазовор бўлади, қадрланади, меҳнатига яраша тақдирланади. Унинг ҳақида партиямиз ҳам, ҳукуматимиз ҳам, бутун халқ ҳам ғамхўрлик қилади. Илғорлар, энг яхши ватанпарварлар, коммунистик қурилишимизга муносиб ҳисса қўшаётган кишилар номи ҳамма ерда азиз ва табаррукдир.

СССР Конституциясида айтилганидек, бизда ҳар бир гражданин меҳнат қилиш ҳуқуқига ва шу билан бирга дам олиш, билим олиш ва қариган чоғида моддий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқига эгадир. Ишчи ва хизматчиларга маош тўлаб ҳар йили отпуска берилади, улар учун жуда кўп санаторийлар, дам олиш уйлари ва клублар очиб қўйилган. Даволаш муассасалари, курорт, санаторий ва дам олиш уйларида ҳар йили миллионларча киши дам олади ва ўз соғлиғини янада яхшилайди, улар Ватанимиз бўйлаб саёҳат қиладилар, социалистик мамлакатларнинг шаҳарларида, энг гўзал жойларида бўладилар. Шунингдек, меҳнаткашларнинг болалари ёзни санаторийлар, пионер лагерлари, боғлар, парклар, соя-салқин ва сўлим жойларда ўтказадилар.

Фақат социалистик тузум ғалаба қилган, эксплуатацияга абадий барҳам берилган, ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган мамлакатдагина меҳнаткашлар ҳақида ана шундай ғамхўрлик қилинмоқда. Ўтган йили республикамиз колхозчилари, совхоз ишчилари, саноат корхоналарининг ходимлари, интеллигентлар ва турли касб эгаларидан 90 мингга яқин киши санаторий, курорт, дам олиш уйлари ва турли соғломлаштириш муассасаларида бўлдилар. Бу йил яна ҳам кўпроқ кишининг дам олиши мўлжалланмоқда. 18 мингга яқин киши санаторийларга юборилади. Республикамиздаги санаторий, дам олиш уйлари, минерал сувлар ва бошқа соғломлаштириш жойларида Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидан, ҳатто демократик мамлакатлардан келган жуда кўп киши дам олди.

Йилнинг энг гўзал фасли — ёз бошланмоқда. Санаторий, дам олиш уйлари, курортлар, денгиз қирғоқлари, боғлар ва парклар, дарё бўйлари халқимиз учун кенг қулоч очмоқда. Республикамизда ёзги дам олиш мавсуми бошланди. Мингларча кишилар Иттифоқимиздаги санаторий ва дам олиш уйларига жўнаб кетдилар. Чортоқ, Бўстонлиқ, Чимён, Оқтош, Фарғона, Наманган ва бошқа жойлардаги санаторийлар ва дам олиш уйлари меҳнаткашларни кутмоқда. Бу йил дам олиш ва даволаш муассасаларидаги ўринлар сони бирмунча кенгайтирилади, янги корпуслар ва бўлимлар ишга туширилади, турли хил даволаш аппаратлари ўрнатилади, халқимизнинг яхши дам олиши ва ўз саломатлигини янада яхшилаши учун ҳамма имкониятларни яратиб бериш тадбирлари кўрилмоқда. Соғлиқни сақлаш органлари, касаба союзлари 1963 йилги дам олиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришлари лозим.

Бироқ ўтган йили айрим санаторий, дам олиш уйлари ва даволаш муассасаларида меҳнаткашлар учун етарли хизмат кўрсатилмади. Соғлиқни сақлаш ходимлари, республика Курортлар бошқармаси, касаба союзлари бу иш билан етарли шуғулланмадилар. Натижада меҳнаткашлардан шикоятлар олинди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев РСФСР саноат ва қурилиш ходимларининг кенгашида сўзлаган нутқида ишчи ва хизматчиларга отпускалар бериш масаласини ўйлаб кўрмоқ керак, деб алоҳида таъкидлади. У айтдики, ҳозирча бу ишга текисчилик билан қараш тартиби мавжуддир. Яхши ишлаётган инженер, техник, ишчи, хизматчи ҳам, ўз вазифасига виждонан қарамаётган киши ҳам отпуска олиш ҳуқуқидан бир хилда фойдаланади... Отпускалар бериш тартибини ҳам корхоналарда, илмий тадқиқот институтларида ва муассасаларда яхши ишлаб турган кишиларни руҳлантирадиган, рағбатлантирадиган таҳлитда қуриш лозим эди.

Касаба союзлари бу масалани айрим касблар бўйича ишчиларнинг муҳокамасига қўйсалар, партия ва комсомол ташкилотлари, корхона раҳбарлари, ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар билан маслаҳатлашиб отпуска бериш тартибини ҳалол ва яхши ишлаётган кишиларни рағбатлантирадиган тарзда белгилаш ҳақидаги таклифларни улар билан биргаликда ишлаб чиқсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Неча юз минглаб меҳнаткашлар отпуска олиб, дам олиш уйлари ва санаторийларда истироҳат қилмоқдалар. Лекин бу ишда ҳам ҳали тегишинча тартиб йўқ. Кўпинча курорт жойларимизда соппа-соғ одамлар «саломатлигини яхшилайди», уларни бир умр дам олиб ўтувчи кишилар деб аташ мумкин. Бунга йўлланмалар тақсимлашдаги пала-партишлик сабаб бўлмоқда. Яхши ходимга дам олиш учун йўлланма ҳам, рағбатлантиришнинг бошқа формалари ҳам топилади. Лекин дангасаларга, текинхўрларга қарши ва жамиятга зарарли бўлган бошқа унсурларга қарши тағин ҳам активроқ кураш олиб бориш зарур. Бизнинг мамлакатимизда кимки меҳнат қилаётган бўлса, ҳурматдадир, меҳнат қилмасдан, текинхўрларча турмуш кечираётган кишиларни эса қулоғидан тортиб, курортга эмас, бошқа ёққа жўнатиш керак

Меҳнаткашларнинг отпускаси ва айниқса дам олишини уюштириш масаласи билан жиддий шуғулланиш керак. Республикамизнинг ҳамма область ва шаҳарларида, район, колхоз ва совхозларида ёзги дам олиш мавсумини намунали ўтказиш учун ҳамма имкониятлар ва қулайликлар бор. Паркларда, дарё бўйлари, ўрмонлар ва боғларда энг яхши жойларни меҳнаткашларнинг дам олиши учун ажратиб бериш, бу ерларда ҳафталик, ойлик, суткалик дам олишни уюштириш, дам олиш кунлари шаҳар атрофидаги жойларга коллектив бўлиб сайр қилишни ташкил этиш лозим. Меҳнаткашларнинг отпускаси, дам олишини шундай уюштириш керакки, улар ўз саломатлигини, жисмоний кучларини чиниқтирсинлар, янги куч-қувват ва ғайрат тўпласинлар ва бу уларнинг янада унумли меҳнат қилишига, ўз вазифаларини, топшириқ ва планларни муваффақиятли бажаришларига, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдек улуғ ишга муносиб ҳисса қўшишларига хизмат қилсин.

Л. И. БРЕЖНЕВ ЭРОНГА БОРАДИ

Эрон Шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат олийлари СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневга жавоб визити билан Эронга келиш ҳақида таклифнома юборган эди. Л. И. Брежнев бу таклифни қабул қилди.

Икки ўртадаги келишувга мувофиқ, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1963 йил 16 ноябрда расмий визит билан Эронга боради.

Марҳамат районидаги 33-умумий политехника таълими мактабининг юқори синф ўқувчилари бир ярим қути қурт уруғидан 110 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлдилар. Улар областнинг пилла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажаришига ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Суратда: 10-синф ўқувчилари М. Ҳасанова ва Р. Тожиматовалар пилла термоқдалар.

С. Безносов фотоси.

РЕСПУБЛИКА ҚОРАКЎЛЧИЛАРИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон қоракўлчилари давлатга қоракўл тери сотиш ва топшириш йиллик планини 27 майда муддатидан илгари 101,5 процент бажардилар. 1962 йилнинг шу вақтдагига нисбатан 298 минг дона кўп қоракўл тери тайёрланди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР топшириқни муваффақиятли равишда адо этдилар.

Бу ютуқларга илғор зоотехника усулларини жорий қилиш, чўпонлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди. Кўпгина колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ҳар 100 совлиқдан 110-120 тадан ва ундан ҳам зиёд қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

Томди ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз, совхозлари ҳар 100 совлиқдан 115 тадан қўзи, Нурота ишлаб чиқариш бошқармаси ҳўжаликларида эса 110 тадан қўзи олинди. Сирдарё областидаги «Қизилқум» совхози ҳар 100 совлиқдан 154 тадан, Бухоро областидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Томди» совхозлари 130 тадан, Самарқанд областидаги «Коммунизм» давлат наслчилик заводи 128 тадан қўзи олишга эришди.

Қоракўл тери тайёрлаш давом этмоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Кобулга, Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳга табрикнома юборибб, Афғонистоннинг мустақил давлат бўлиб яшай бошлаганига кирқ беш йил тўлганлиги муносабати билан уни қутлади.

Хурсанд бўлиб шуни қайд қиламизки, — дейилади телеграммада, — мамлакатларимиз ўртасида тинч-тотув яшашга ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган яхши қўшничилик муносабатлари Совет Иттифоқи ва Афғонистон халқларининг манфаатлари йўлида ва бутун дунёда тинчлик мақсадлари учун муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Афғонистон мустақиллигининг кирқ беш йиллиги муносабати билан Н. С. Хрушчев совет халқи, ССР ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан бош министр доктор Муҳаммад Юсуфга, Афғонистон ҳукуматига ва афғон халқига энг яхши истаклар йўллади.

Афғонистоннинг миллий байрами, — мустақиллик куни муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳга, дўст афғон халқига самимий табрикнома йўллади. (ТАСС).

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ

СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат марказий қўғирчоқ театрининг Тошкентдаги гастролларидаги беш ҳафта давом этди. Спектакль қўйилган кунларда Свердлов номли концерт зали доимо лиқ бўлди. Катта ва кичик томошабинлар ҳар оқшом «Мисли йўқ концерт» ёки «Мужгонларинг қўйида», «Буратино» ёки «Қувноқ айиқчалар» ўйналишидан қатъи назар, ҳамма спектакларни бир хилда қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Қўғирчоқ театрининг жаҳонга довруқ солган ажойиб санъати тошкентликларни мафтун қилди.

Театр Ўзбекистон пойтахтидаги гастролларини 25 майда «Мужгонларинг қўйида» спектакли билан тамомлади. Спектаклни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ҳам томошага келдилар.

Спектаклдан кейин Ё. С. Насриддинова артистлар коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди ва уларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан янги ижодий муваффақиятлар тилади. Театр совет санъатини ривожлантиришдаги ютуқлари учун ана шу Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.

Е. В. Сперанский юксак мукофот учун театрнинг ҳамма ходимлари номидан қизғин миннатдорчилик билдирди. (ЎзТАГ).

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ (қишлоқ область партия комитетининг секретари **А. Ҳайдаров**, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси **У. Абдураҳимов**, қишлоқ область комсомол комитетининг секретари **А. Исмоилов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи **Г. Авагумов**, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Болтабоев**).

ЧУСТ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **М. Иброҳимов**, партия комитетининг секретари **М. Бобохонов**, комсомол комитетининг секретари **Т. Жўраев**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Ф. Қурбонов**)

ПОП ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Б. К. Мишетьян**, партия комитетининг секретари **М. Раҳимов**, комсомол комитетининг секретари **М. Исломов**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Х. Рўзматов**).

ГИЖДУВОН ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **З. Қобилов**, партия комитетининг секретари **Т. Шарипов**, комсомол комитетининг секретари **Т. Ортиқов**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Э. Саъдуллаев**)

РОМИТАН ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Н. Зулфитдинов**, партия комитетининг секретари **М. Воҳидов**, комсомол комитетининг секретари **Д. Жамолов** ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **С. Ёдгоров**).

ЛЕНИНГРАД ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **У. Сатторов**, партия комитетининг секретари **Н. Охунов**, комсомол комитетининг секретари **Ш. Қосимова**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **С. Содиқов**).

ДЕНОВ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Х. Хўжақов**, партия комитетининг секретари **И. Мавлонов**, комсомол комитетининг секретари **Д. Киргизбоев**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **А. Г. Енгулатов**).

МОСКВА ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **А. Арзуманов**, партия комитетининг секретари **С. Ниёзов**, комсомол комитетининг секретари **Қ. Мадаминов**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Т. Содиқов**).

УЧҚЎРҒОН ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма бошлиғи **М. Мирзаахмедов**, партия комитетининг секретари **В. Ҳайдаров**, комсомол комитетининг секретари **Б. Мирсолихов**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Қўчқоров**).

ИЗБОСКАН ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Қ. Усмонов**, партия комитетининг секретари **Ҳ. Холхонов**, комсомол комитетининг секретари **С. Қозиев**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Қ. Қаландаров**).

ПАСТДАРҒОМ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Д. Ҳамроқулов**, партия комитетининг секретари **У. Шоражабов**, комсомол комитетининг секретари **Х. Исломов**, ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Х. Омонова**).

Миришкор пиллачилар ютуғи

Фарғонани пилла макони деб бежиз айтмаганлар. Водийнинг миришкор пиллачилари она-Ватанимизга йилдан-йилга мўл пилла ҳосили етиштириб бермоқдалар. Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXII съезди» колхозининг моҳир пиллачилари ҳам бу йил катта ютуқларга эришдилар. Бу колхознинг пиллачилари давлат хирмонига пландаги 23.900 килограмм ўрнига 25.500 килограмм юқори сортли сифатли пилла топшириб, давлат планини ошиғи билан бажардилар.

Колхоз пиллачилари давлатга яна 2 тонна пилла топшириш мажбуриятини олди. Пилла топшириш давом этмоқда.

Н. ХАЛИЛОВ,
М. ТУРҒУНОВ.

АНДИЖОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Ленин орденли областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXII съезди тарихий қарорларини бажариш учун енг шимариб астойдил курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган областимиз пиллачилари ажойиб меҳнат ғалабасига эришдилар. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта муддатидан илгари, 26 майда баҳорги қурт боқиш ҳисобига пилла сотиш йиллик плани муваффақиятли бажарилди. Андижон пиллачилари мамлакатга 3639 тоннадан кўпроқ юқори сифатли пилла совға қилдилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 61,5 килограммдан ёки булутургидан 11,4 килограмм ортиқ пилла териб олинди.

Бундай муваффақиятга пилла қуртларини боқишнинг янги илғор усулларини, агрозоотехника фани эришган ажойиб муваффақиятларни кенг ва дадил жорий қилиш туфайли эришилди.

Наманган ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари давлатга пилла сотиш планини муваффақиятли бажарганликлар ва тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Улар пландан ташқари 82 тоннадан зиёдроқ пилла сотиб, топшириқни 120 процент бажардилар. Балиқчи, Учқўрғон, Чуст, Андижон, Москва, ва Избоскан ишлаб чиқариш бошқармаларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари анча кўп пилла сотдилар ва областимизнинг ғалабасига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Пилладан мўл ҳосил етиштириш учун кураш ҳамманинг диққат марказида турди. Юзкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч оттирилди. Коммунистлар ва комсомол ёшлар пахта фронтидаги сингари қаҳрамонона меҳнатлари билан ҳамма пиллачиларни тобора яхшироқ меҳнат қилишга илҳомлантирдилар. Юзкилограммчиларнинг шонли ташаббусига қўшилган 10 мингдан ортиқ пиллачи ҳар қути қурт уруғидан 100-120 килограммдан ва ҳатто ундан ҳам ошириб пилла топширишга муваффақ бўлди.

Ўнлаб колхозлар, юзлаб бригада ва звенолар ажойиб ютуқларга эришдилар. Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди», «Ленинград», «Москва». Энгельс номли, Балиқчи бошқармасидаги «Ленинград», «Ўзбекистон». Учқўрғон бошқармасидаги Ленин номли, «Пахтакор». Москва бошқармасидаги Фрунзе номли, Охунбобоев номли ва «Правда Востока». Андижон бошқармасидаги «Партия XXII съезди», «Ленинград» ва Қуйбишев номли, Чуст бошқармасидаги Ленин номли ва Энгельс номли, Избоскан бошқармасидаги «Правда», «Коммунизм», Янгиқўрғон бошқармасидаги «Ленинчи йўл», Свердлов номли, Марҳамат бошқармасидаги Энгельс номли ва Қуйбишев номли, Қўрғонтепа бошқармасидаги Навоий номли, Хўжаобод бошқармасидаги «Коммунизм» колхозлари, совхоз, «Қўқимбой», «Партия XXII съезди», Ленин номли совхозлар ва бошқа хўжаликлар мўл ҳосил етиштириб, Ватанимизни қувонтирдилар.

Пилла етиштиришни тобора кўпайтириш колхозларга ҳам, пиллачиларга ҳам катта даромад келтирди. Бу йил областимиз пиллачиликдан 2 миллион сўмдан ортиқ даромад олди. Бу — ўтган йилдагидан анча ортиқдир.

Андижон пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб севикли Ватанимизга тағин камида 400 тонна аъло нав пилла сотамиз деб қаттиқ аҳд қилдилар.

Партия ҳукуматимизнинг совет деҳқонлари, пахтакорлар тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрликлари областимиз меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Ленин орденли областимиз меҳнат аҳли мамлакатга мўл-кўл пилла топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажаради. Андижонликлар бу йил мамлакатга ваъда қилинган пахтани — 775 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни ўзларининг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб тушунадилар. Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай азамат деҳқонлар пахта далаларида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Мўл ҳосил учун курашнинг зарбдор фронтида қудратли техниканинг кучидан самарали фойдаланишга интилмоқдалар.

Биз бутун куч ва воситаларни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қароридан ўз вақтида амалга оширишга сафарбар қилмоқдамиз. Сирдарё областидаги «Ленинград» колхози аъзоларининг чақиригидан руҳланган механизаторларимиз машина теримига ҳозирданоқ астойдил тайёргарлик кўрмоқдалар.

Андижонликлар ўз зиммаларига олган барча социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бундан кейин ҳам мардона меҳнат қиладилар.

А. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон КП Андижон қишлоқ область комитетининг секретари.

У. АБДУРАҲИМОВ,
қишлоқ область ижроия комитетининг раиси.

А. ИСМОИЛОВ,
қишлоқ область комсомол комитетининг секретари.

Д. БОЛТАБОЕВ,
область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи.

ТУХУМ ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Андижон областининг парранда чилари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар — давлатга тухум сотиш ва топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Ўн уч миллион донадан кўпроқ тухум тайёрландди. Бу эса ўтган йилнинг шу давригача тайёрланганидан икки миллион дона кўпдир. Балиқчи, Избоскан, Наманган, Ҳўжаобод ва Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари йиллик топшириқларини анча ошириб адо этдилар. Андижонликлар, йиллик планга қўшимча тарзда давлатга миллион дона тухум сотиш ва топширишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

Андижонлик пиллачилар ишни қойил қилишди. Мамлакат хазинасига мўл-кўл пилла етказиб берган Андижон шоввозларига офарин! Бунда Наманган ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» колхози аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Суратда: шу колхознинг моҳир пиллачиси Нуринисо Қаҳҳорова. У ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб пилла етиштиришга муваффақ бўлди.

Е. Корниенко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Жамоатчилик контроли

ЎТКИР КЎЗЛАР

КАМЧИЛИКЛАР ҚАНДАЙ ТУГАТИЛДИ

Кенг меҳнаткашлар оммаси иштирок этган ленинча контроль ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Эндиликда у совет воқелигининг ҳақиқий нормаси бўлиб қолди.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида партия-давлат контроль комитетлари кўмакчиларининг 17 группа ва 4 пости ишлаб турибди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзларининг энг актив ва обрўли кишиларидан 150 кишини шу ишга сайлаб қўйганлар. Уларнинг деярли ярмини ишчилар — меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи бевосита ҳал этиладиган станоклар ёнида туриб ишловчилар ташкил этади.

Ўртоқ Ф. Солиҳўжаевни олиб кўрайлик. У шу заводга пойдевор қўйган, корхона билан бирга ўсганлардан бири. Шунинг учун ҳам уни бутун коллектив танийди. Дастлаб у оддий ишчи бўлиб ишлади. Кейинчалик эса моҳир слесарлардан бўлиб қолди. У ўрта техника маълумотига эга. Ҳозир инструментал цехининг муҳим участкаларидан бирида мастерлик қилади. Заводда катта-кичик уни ҳурмат қилади. Бир неча бор партия комитети ва завод касаба союз ташкилоти составига сайланган.

Ана шундай обрўли кишилардан яна бири гражданлар урушининг қатнашчиси, ҳозир эса шахсий пенсионер Артемий Борисович Покровскийдир. Ўртоқ Покровский кўзбўямачилик, тўрачилик ва шу каби иллатларга қарши доим курашиб келади. Ўртоқ Дончини Ли ҳам ана шундайлардан, у заводда биринчи бўлиб «Комсомол прожекторлари» штабини ташкил этди. Механизация цехи ишчилари халқ контролёрлари сафига кекса ишчи — юқори малакали токарь Николай Павлович Дерягинни, қуюв цехи ишчилари эса мастер Дайрхон Кешубаевни тавсия қилган эдилар. Ана шундай кишилардан ташкил топган завод контролёрлари оз вақтда анчагина ишларни амалга оширдилар.

Заводда транспортдан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги туфайли вагонлар узоқ вақт бекор туриб қолар, корхона штраф тўлаб, катта зиён кўрар эди. Кўмакчилар бунинг сабабларини ўрганишга қарор қилдилар. Текшириш натижалари ва нуқсонларни тугатиш чоралари коллективда муҳокама қилинди. Натижада транспортдан фойдаланиш яхшиланди.

Завод кўмакчилар группасига пахта териш машинасини йиғиш конвейерига сифатсиз деталь ва узеллар келаётгани тўғрисида сигнал тушди. Халқ контролёрлари бу сигнални дарҳол текширдилар. Натижада бу деталларни тайёрлаш жойида технологик процессларга амал қилинмаётгани ва айрим ишчилар брак маҳсулот бераётгани аниқланди. Партия комитети секретарининг ўринбосари Иброҳим Тоиров бошчилигидаги кўмакчилар группаси цех раҳбарларидан маҳсулот тайёрловчи ишчи ва мастернинг жавобгарлигини оширишни талаб қилдилар. Эндиликда бу камчиликлар деярли тугатилган.

Бошқа бир группа пахта териш машиналари учун янги ихчамлашган ишчи аппаратлари тайёрлаб беришдаги қолоқлик сабабларини ўрганиб чиқди. Бунда иккинчи ва учинчи механика, йиғув цехи бошлиқларининг совуққонлиги орқасида инструментал цехига тайёрлаб берилаётган ускуналарнинг сифатсиз эканлиги аниқланди. Группанинг қаттиқ огоҳлантиришидан кейин цех бошлиқлари В. В. Возненко, А. К. Полянин ва И. М. Маляровичлар ўртоқлар ишдаги камчиликларни дарҳол тузатиб ускуналарнинг сифатли ишлаб чиқарилишини таъминладилар. Ишлар юришиб кетди ва ҳозирнинг ўзидаёқ енгил ишчи аппарати ўрнатилган 40 дан ортиқ пахта териш машинаси тайёр қилиб қўйилди.

Завод кўмакчилар группаси «Комсомол прожекторлари» штаби билан мустаҳкам иш кўриб, унга яқиндан ёрдам бермоқда. Яқинда модернизациялаштирилган пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун ускуналар етишмаётган бир вақтда резерв станоклари ҳўжасизларча ташлаб қўйилганлиги маълум бўлиб қолди. Прожекторчилар ва кўмакчилар группасининг вакиллари қаровсиз ётган бу станокларни суратга олдилар ва тегишли раҳбар ходимларга кўрсатдилар. Ҳозир бу ҳўжасизликни қатъиян тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Брак маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш даставвал уни келтириб чиқараётган сабабларни қидириб топишга боғлиқ. Кўмакчилар группасининг аъзолари техник Н. М. Машченко ва инженер Я. С. Кушнер ўртоқлар пайвандлаш ишларининг сифатсиз бажарилиш сабабини ўрганаётиб, пайвандланадиган деталларнинг қандай тайёрланаётгани билан ҳам қизиқдилар. Натижада бу ишлар ниҳоятда эҳтиётсизлик билан бажарилиб, деталлар мой ва бошқалардан тозаланмаган ҳолда пайвандлашга берилаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек пахта териш машиналари йиғув цехининг смена бошлиғи В. С. Силантьев раҳбарлигидаги кўмакчилар группаси узел ва тўташтирувчиларнинг ёмон сақланиши туфайли пахта териш машиналарини йиғув ишлари баъзан тўхтаб қолаётганлигини аниқладилар. Ҳар иккала группа камчиликларга йўл қўйган кишиларни қаттиқ огоҳлантириб, уни тузатиш йўлларини кўрсатиб берди. Эндиликда пайвандлашга бериладиган деталларни тайёрлашда технологик процессларга тўла риоя қилинадиган, нормадан ортиқ тайёрланган маҳсулотлар талабларга мувофиқ сақланадиган бўлиб қолди.

Яқинда завод кўмакчилар группасининг фаолияти партия комитетининг йиғилишида кўриб чиқилди. Йиғилишда кўмакчилар группаларининг ишлари ҳамма цехларда ҳам яхши йўлга қўйилмагани ва баъзи камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Бу группаларнинг айримлари ҳали ўз бурчларини яхши тушуниб олмаган, баъзан ўзларига тегишли бўлмаган ишларга ҳам аралашмоқда.

Йиғилишда айрим раҳбар ходимлар кўмакчилар группаларининг сигналларига бепарволик билан қараётганлиги кўрсатиб ўтилди. Партия комитетининг йиғилиши бу камчиликларни тугатиш ва партия-давлат контроли кўмакчиларининг фаолиятини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилади.

Г. ДЕМИДОВ,
завод кўп тиражли газетасининг редактори.

КОМИТЕТНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

Бошқарма хўжаликларида ерга ташланган уруғлик қийғос унибчиқди. Далаларда ҳосил бўлган яшил квадратлар ҳаммани қувонтиради. Аммо мўл ҳосил олиш учун ёш ниҳолларнинг кўнига маҳлиё бўлиш ярамайди. Ҳар бир туп ниҳолни меҳр билан парвариш қилиш билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Бироқ айрим жойларда мўл ҳосил учун кураш қизитиб юборилмади. Бу ҳол Кўргонтепа ишлаб чиқариш бошқармаси партия-давлат контроли комитети ва хўжаликлардаги кўмаклашиш группалари ҳамда постларини жиддий чоралар кўришга мажбур этди. Контроль комитетининг ташаббуси билан бошқарма хўжаликларида гўза парваришининг боришини текшириш юзасидан оммавий рейдлар ўтказилди.

«Комсомол» колхозида инженер К. Холиқовнинг парвосизлиги натижасида тракторлар сифатли ремонтдан чиқарилмаган эди. Бу масала колхоз коммунистларининг очиқ йиғилишида муҳокама этилиб Холиқовни ишдан четлаштиришга қарор қилинди. «Совой» совхозининг 7-бўлимида эса экин ерлари талон-торож қилинган, бунинг устига бўлим бошқаруви-чиси Вейсалов экилмаган ерларга чигит экилди деб қалбаки маълумот берган. Кўзбўямачи фош этилиб, вазифасидан бўшатилди.

Меҳнатчашлардан бошқарма партия-давлат контроли комитетига тушган шикоятларнинг бирида колхоз ва совхозларда томорқа ерлари белгиланганидан ортиқча берилгандиги айтилган эди. Хат юзасидан текшириш ўтказилганида, ҳақиқатан ҳам шундай фактлар борлиги тасдиқланди. Қонунсиз фойдаланиб келинаётган 426 гектар ер экин оборотига киритилди.

Ҳозир контроль органлар экинларнинг сифатли парвариш қилинишн ва хўжаликларда аниқ ҳисоб-китоб юритилиши устидан қаттиқ назорат олиб бормоқда.

М. РАҲИМОВ.

СИФАТ УЧУН КУРАШ —АСОСИЙ МАСАЛА

Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикасида ташкил этилган партия-давлат контролига кўмакчилар группаси аъзолари конкрет тадбирлар белгилаб, планли иш олиб бормоқдалар.

Группада 17 ишчи-хизматчи уюшган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз план, режаларига эга. Улар фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати билан қизиқдилар. Фабрика биринчи кварталда савдо ташкилотларидан 9 та эътироз олди. Группа аъзолари шу эътирозларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашга, камчиликларни тугатишга аҳд қилдилар. Ўртоқ А. Ғиёсов ва Л. Аҳмедова бошлиқ бригадаларда тикилаётган эркаклар кители технологияси қўпол равишда бузилган. Кителнинг чўнтаклари очиқ, қопқоғи махсус формага эга эмас. Шунингдек, енги нотўғри ўрнатилган, тайёр китель эса сифатсиз дазмолланган. Группа аъзолари У. Багирова, К. Царамова, Ш. Солиев бошлиқ бригадалардаги кийим-кечакларнинг сифатсиз тикилганини аниқладилар.

Группа аъзолари текшириш якунларини партия бюроси ва маъмурият муҳокамасига ҳавола қилди. Ўшандай кийим-кечаклар (шим, китель)ни қабул қилгани учун фабрика техника контроли бўлими бошлиғи Неъматжон Собиров ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйган фабрика бош инженери Марк Штейнберглар, цех бошлиқлари қаттиқ огоҳлантирилди. Шунингдек, қатор тарбирлар белгиланди.

Маҳсулотнинг сифати шу кунларда анча яхшиланди.

М. НИЁЗОВ,
Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик фабрикаси мастери, партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа аъзоси.

Бухородаги саноат моллари магазинларида харидорларни ранжитадиган «антиқа» моллар тўлиб-тошиб ётибди.

Яқинда шаҳар партия-давлат контроли комитети халқ контролёрлари ва кўмаклашиш группаларининг аъзолари иштирокида савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш шохобчаларида рейд ўтказиб, жиддий камчиликлар борлигини аниқлади. Айрим магазин, ошхона ва буфетларда совет савдоси қоидаларининг бузилиш ҳоллари, озодаликка риоя қилинмаётгани, харидорларнинг ҳақига хиёнат қилиш фактлари очиб ташланди.

Бухоро шаҳар савдо бўлимига қарашли 18 ва 38-магазинларда 1958 йилдан буён реализация қилинмай келаётган саноат моллари бор. 18-магазинда 520 сўмлик колбаса маҳсулотлари ётилмай, саситиб юборилган. Бунинг асосий сабаби шуки, савдо бўлимининг раҳбарлари аҳолининг талабини тўғри ҳисобга олмай, магазинларни эски фасондаги брак моллар билан тўлдириб ташлаганлар. Кўмаклашиш группалари аъзолари шаҳардаги 11-магазин мудири Ҳамидовни жиноят устида қўлга туширдилар. У харидорга ўн сотаётганда 40 килограммдан 3 килограммга яқин унни уриб қолган. Тарозидан уриб қолиш ҳолларининг борлиги Когон шаҳар савдо бўлимига қарашли 2-магазинда ҳам аниқланди. Бу ердаги 26-магазинда эса ҳар хил консерва маҳсулотлари ортиқча нарх билан сотилган. Бақлажон икрасининг банкаси 10 тийиндан қўшиб пулланган.

Қорақўл тери ошлаш заводи йирик саноат корхоналаридан биридир. Завод коллективи коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашяпти. Партия-давлат контролига кўмаклашиш группаси завод ишидаги айрим камчиликларни очиб ташлаб, коллективнинг ана шу юксак номга тезроқ эга бўлиши учун ҳаракат қиляпти. Группа аъзоларидан Муродов, Муҳамедов, Иванова ўртоқлар кенг истеъмол сортларга ажратиш ва механика цехларининг ишини текшириб чиқдилар ва аниқланган камчиликларнинг тезда тугатилишига эришдилар.

Бухоро шаҳар партия-давлат контроли комитети (раиси ўртоқ Г. Гилманова) ва унинг кўп сонли кўмаклашиш группалари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолига маданий-маиший хизматни кучайтириш мақсадида ўз фаолиятларини янада активлаштирмоқдалар.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.



«Комсомол прожектори» «Ташсельмаш» заводининг барча ишлаб чиқариш цехларини ёритиб турибди. Прожектор отряди ва штаби аъзолари корхонанинг ички резервларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: «Комсомол прожектори» отряди аъзолари Г. Ермаков ва штаб бошлиғи Дончини Ли ўртоқлар пахта териш машиналарнинг сифатини текширмоқдалар.

М. Баржанов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖАРИМАЛАР САБАБИ

Бу ерда гап Қўқондаги 1-пахта тозалаш заводи ҳақида боряпти. 1-пахта тозалаш заводи анчагина кўтуқларга эришган корхона-ку, дерсиз.

Тўғри, корхона давлатга 4 ойлик планга қўшимча 600 тонна пахта толаси, 163 тонна момиқ топширди, планга қўшимча 27 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Биринчи кварталда жами маҳсулот таннархи пландагидан 1000 сўм камайтирилди.

Лекин корхона бундан яхшироқ кўрсаткичларга эришиши мумкинмиди? Ҳа. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати паст бўлганлиги учун жарималар тўламаганда, маҳсулот таннархи яна ҳам пасайган бўлар эди. Пахта толасининг сифати бузилганлиги биринчи кварталда 1947 сўм жарима тўлашга сабаб бўлди. 1962 йилда 437 тонна пахтанинг қайта ишланиши ва сорти тикланмагани натижасида корхона 39 минг сўмлик зарар кўрган эди.

Шундай бўлса-да, корхона маъмурияти маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида қайғурмаётир.

К. НУРЖОНОВ.

НИШТАР САТРЛАР

Ўртоқ С. Матқурбонов Амударё ғишт заводига директор бўлиб келди-ю, ажойиб «янгилик» ихтиро қилди. Ғиштнинг рельс устида юрадиган темир аравачаларга ташилиши ўнга ёқмай қолди. Даҳол бу усулдаги воз кечиш, ғиштни қўлда ташиш ҳақида фармойиш берди. Ҳозир ишчилар 50 метр масофада қатор бўлиб тизилишади-да, ғиштни қўлма-қўл узатишади. Буни корхона ишчилари «ғишт ўйини» деб аташяпти. Директорга механизациядан кўра қўл кучидан фойдаланиш афзал туюлганга ўхшайди.

О. ОЙИМБЕТОВ,
С. ЮСУПОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзолари.

* * *

Янгиер районидаги «2-Боёвут» совхозининг 2-бўлимига келсангиз, антиқа манзаранинг гувоҳи бўласиз. 200 метрча масофага не ҳасратда ўрнатилган сим ёғочлар 1959 йилдан буён қақшайиб турибди. Сим ҳам тортилган. Аммо токдан дарак йўқ. Совхоз директори Ўртоқ В. Ҳайдаров бу бўлимни электрлаштиришга хаёлига ҳам келтирмаётир.

А. КАМОЛОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИГА САНСАЛОРЛИК

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан муносабатда бўлиш, уларни ўз вақтида қараб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган ва матбуотда эълон қилинган қарорни Тошкент область Калинин район ижроия комитетидаги ўртоқлар ўқиган, албатта. Аммо улар бу муҳим қарордан ҳамон тегишли хулоса чиқармаётгани кишини ажаблантиради.

Район ижроия комитетига шу йилнинг биринчи кварталида 120 шикоят-ариза тушган.

Ўртоқ Б. П. Бойков собиқ Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз правлениеси унинг колхозда ишлаган меҳнат ҳақини бермай пайсалга солаётгани тўғрисида юқори ташкилотларга шикоят хати ёзган эди. Бу хатни шу йил 26 февралда район ижроия комитети Ленин номли колхоз раиси Туроб Нормуҳаммедовга юбориб, тегишли кўрсатма берди. Орадан икки ой ўтгандан кейин ҳам район ижроия комитети умумий бўлимининг мудири Мазира Казакова бу хатнинг ижроси нима бўлганини ҳалигача билмайди.

Шунингдек, Ильич номли колхознинг айрим участкалари электрлаштирилмагани, бу ишга колхоз раҳбарлари эътибор қилмаётгани тўғрисида Ўртоқ Ш. Абдужабборов район ижроия комитетига шикоят хати ёзганига неча ойлар бўлди. Хат 9 февралда колхоз раиси Ўртоқ Сайдалиевга юборилди. Шу билан иш битди-кетди, — деб юришибди ижроия комитетдагилар.

Район коммунал хўжалиги бўлими ва халқ судига юборилган шикоят хатларининг тақдири ҳам узоқ вақт номаълум қолиб келди.

Меҳнаткашлардан бир группаси болалар яслисининг мудири М. Қодирова атрофига қавму-қариндошларини, ошна-дугоналарини тўплаб олаётгани ҳамда бир қанча ножўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида бошқарма партия комитетига ариза ёзишди. Партия комитетидагилар бу ишни район ижроия комитетига ҳавола қилишди. ижроия комитетдагилар хатни район халқ маорифи бўлими мудири Ўртоқ А. Қодировга оширишди. Қодиров ҳам «бу арзимаган иш» билан шуғулланиб ўтиришни ўзига эп кўрмади, уни методист Ф. Салоҳиддиновага топширди. Орадан бир ой ўтгач ҳам Салоҳиддинованинг ҳеч ким у хатнинг тақдирини сўриштирмади, қизиқмади.

Айрим қишлоқ Советлари меҳнаткашлардан тушаётган баъзи ариза ва шикоятларни ўз кучлари билан ҳал этишга қийналадилар. Бундай пайтларда улар одатда юқори ташкилотларнинг, хусусан, район ижроия комитети бўлимларининг вакилларини таклиф этадилар. Афсуски, бу — Калинин районида унча ўнгай иш эмас. Масалан, Назарбек қишлоқ Советига Каримшоев, Комилов сингари 12 кишидан бузиб ташланган чархпалакларни қайта тиклашга рухсат сўраб ариза тушганига кўп бўлди. Қишлоқ Советининг раиси Х. Юсупова район сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ўртоқ Сулаймоновни Назарбекка таклиф қилиб, аризани ўз жойида ҳал этишни илтимос қилди. Аммо Ўртоқ Сулаймонов кўп вақтгача Назарбекка қадам изи қилмади. Шуниси қизиқки, у «бормайман» демайди, «бугун бораман, эрта бораман» деб алдаб келди.

Назарбек қишлоғининг меҳнаткашлари «Горочистка» бошқармасига қарашли ахлат ташийдиган машиналарнинг айрим шоферлари ахлатни белгиланган жойга элтиб тўкиш ўрнига қишлоқ йўлларига агдариб кетаётгани тўғрисида ёзган шикоят хатини қишлоқ Совети тегишли ташкилотлар орқали ҳал этишни илтимос қилиб, район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Ўртоқ Маликовга юборган эди. Аммо хатнинг натижаси ҳануз кўринмаяпти.

Меҳнаткашларнинг талаб ва аризаларига тўраларча қараш ҳоллари ҳамон учрайди. Юнусобод қишлоқ Советининг собиқ раиси С. Иброҳимов аҳолининг аризасига масъулиятсизларча қараб келди. Шу қишлоқда туғилиб ўсган Файзулла Саъдуллаев қишлоқ Советидан шу ерда туғилганини тасдиқловчи справка олиш учун икки йил овора бўлди. Ўртоқ С. Иброҳимов «сени мен танимайман» деб юраверди. Охири аризачи Файзулла Саъдуллаев юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлди, шундан кейингина Ўртоқ С. Иброҳимов аризачининг шу қишлоқда туғилганини бир пасда аниқлаб, справка ёзиб берди.

Қуйи ташкилотда ишлаётган ўртоқлар орасида С. Иброҳимовга ўхшаган баъзи сансалорчи, бюрократ ходимлар ҳам учраб туради. Агар шундай бюрократлар барҳам топганида эди, меҳнаткашлар неча сойт, неча кун беҳуда қанча-қанча йўл босиб, район, область марказига қатнаб юрмасди.

Қишлоқ Советининг янги сайланган раиси Ўртоқ Х. Ҳожиакбарова меҳнаткашларнинг ариза-шикоятларига муносабатни тубдан яхшилади, шикоят билан келувчиларни қабул қилиш ишини тартибга солди.

Районлар йиғилишлагандан кейин меҳнаткашларнинг ариза-шикоятларини ҳал этиш иши кўпроқ қишлоқ Советлари зиммасига тушмоқда. Бу — табиий, албатта. Чунки аризачи ўз талабини ҳал этгани неча ўн километр йўл босиб, район марказига боришга қийналади, агар аризачи пенсионер, инвалид ёки болали она бўлса — ундан қийин. Шуни эътиборга олган айрим районларнинг раҳбарлари маълум кунларни олдиндан белгилаб, ўша куни у ёки бу қишлоқ Советига бориб, меҳнаткашларни ўша ернинг ўзида қабул қилмоқдалар, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз жойида қондириш чораларини кўрмоқдалар.

Афсуски, бу янгилик Калинин район-ида ҳануз-гача қўлланилмаётир. Бунинг оқибатида район ижроия комитети қабулхонаси олдида ҳам район социал-таъминот, молия бўлимлари идораси олдида ҳам навбат кутиб ўтирган одамларни кўплаб учратасиз.

Район ижроия комитети ва бошқарма партия комитети меҳнаткашларни қабул қилиш ва уларнинг ариза-шикоятларига сезгирлик билан муносабатда бўлишда райондаги қуйи ташкилотлардан тортиб, то ўзлари бошлиқ бўлган ташкилотгача ҳамма ерда қатъий ва намунали тартиб ўрнатиши керак.

Э. ЮЛДОШЕВ,
З. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетаси оммавий ишлар ва хатлар бўлими ҳузуридаги штатсиз бўлими ходимлари.



«Мендан кетгунча — эгасига енгунча» услубида ишлаш оқибати ана шундай бўлади.

Расмларни М. Воробейчиков чизган.

ИККИ БРАКЧИНИНГ СУҲБАТИ

Кунлардан бирида Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг бош инженери Наум Аронович Шулькин билан карбюратор заводининг директори Лев Николаевич Айрапетов ҳасратлашиб қолишди. Энг аввал Наум Ароновичнинг ҳасратидан чанг чиқди.

— Ҳозирги харидорларнинг юзига ўласанми? Қўқон пойафзал базаси юзи жиғарранг, таги қора брезент туфлиларни жон-жон деб оларди. Уни қарангки, брезентни этик билан болалар пойафзали ортилган бутун бошли бир 1397760 номерли вагонни қайтариб юборишибди. Модадан чиқиб қолган эмиш. Э, хомкалла, ўйламайсанми, вагоннинг шунча йўл босгани учун корхона 126 сўмни нақд санаб беради деб.

— Э, сиз гапирманг, меш эшитмай, биродар! — Лев Николаевич ҳам тиззаларига уриб, куйиб-пишиб гапира бошлади. — Сизники ҳолва экан-ку! Ленинград ва Запорожьедан, Жанубий Урал ва Приднепровск темир йўлларидан қасодга учраган вагон-вагон юкларимиз қайтиб келяпти. Битта вагонни Ленинградга юбориш 1012 сўм, Запорожьега юбориш 932 сўмга тушади. Бунинг устига юкни икки мартадан ортиш ва тушириш ва яна Тошкентга қайтаришни айтмайсизми!

— Қўйинг биродар, — Наум Аронович дўстига таасалли берди. — Шу рақамларни эсласам, этим бир қат сидирилади. Келинг, бошқа гаплардан сўзлашайлик...

Икки дўст мавзуни ўзгартиришди. Аммо улар корхоналардаги партия-давлат контроли ёки Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари ёнида яна эски мавзуга қайтсалар ажаб эмас. Ахир, рақамлар ўжар бўлади-ку!

П. СЕЛЕЗНЕВ.

ЖАМОАТ МУЛКИНИНГ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

Колхозимизда партия-давлат контролига кўмаклашиш группасининг ва постларининг ташкил этилиши жуда яхши тадбир бўлди. Колхозчилар халқ контролёрларига жамоат мулкининг қўриқчилари сифатида мурожаат қилиб, ишнинг бирор соҳасида юз берган камчилик ҳақида дарров хабар қиладилар. Жумладан, уларнинг талаби билан пахтачилик бригадаларида маблағларнинг қандай сарфланаётганлиги чуқур текширишдан ўтказилди. Текширишда айрим бригада бошлиқлари ва ҳисобчиларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, жамоат маблағини ўзлаштирганлиги аниқланди. Правление ва партия ташкилоти текшириш якунларини муҳокама қилиб, бу маблағларни тегишли қишилардан ундириб олди ва уларга қаттиқ маъмурий жазо берди.

Кўмаклашиш группаси аъзолари маъмурий-бошқарув аппаратининг фаолиятини ўрганиб чиқиб, штатларни қисқартириш мақсадга мувофиқ деб топди. Колхоз правлениеси группа аъзоларининг фикрига қўшилди ва идора аппаратидаги бир неча кишини пахтачилик бригадалари ва фермаларга доимий ишлашга юборди. Бунинг натижасида ҳар ойда қарийб 290 сўм тежаладиган бўлди.

Чорвачилик фермасининг иши синчиклаб ўрганилиши туфайли бу ерда сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини бирмунча кўпайтириш мумкинлиги аниқланди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Олдинлари ферма бўйича кунига 600 литрдан сут соғиб олинаётган бўлса, ҳозир 800 литрга етди.

Кўмаклашиш группаси аъзолари ўзларининг ана шундай ишлари билан колхозчиларнинг ҳурматини қозонмоқдалар.

Т. АБДУЛЛАЕВ.
Поп районидаги Карл Маркс номли колхозда партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группанинг аъзоси.

БУТУН ЭЪТИБОР ҒЎЗАНИ ЯХШИ АМАЛ ОЛДИРИШГА ҚАРАТИЛСИН!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР: *ҚАТҚАЛОҚНИ ЮМШАТИНГ* * ЯГАНАНИ ТЕЗДА ТУГАЛЛАНГ * *ДАЛАНИ ЎТ БОСТИРМАНГ* * ЭКИННИ ЁШЛИГИДАН ОЗУҚАГА ТЎЙДИРИНГ.

★ ★ ★ ★

1. Ҳар туп уяда барқ уриб ўсаётган ғўза худди қўлда ўтқазиб қўйилганга ўхшайди. Квадратлар шу қадар аниқ! Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг 5-бригадасида ғўза яхши парвариш қилинаяпти. Ўртоқ Ғафур Қодиров бошлиқ бу бригада 137 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан қосил етиштириш учун курашмоқда. Суратда: механизатор Д. Жўраев ва В. Тўйчиев ўртоқлар ғўзани икки томонлама культивация қилмоқдалар. 2. Сувчилик — ғоят нозик иш. Сув — ғўзанинг қони, жонидир. Ҳосилнинг мўл бўлиши кўп жиҳатдан сувчининг санъатига боғлиқ. Учқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхозининг моҳир сувчиси Б. Давронов ёш ғўзаларни қондириб суғормоқда. Суратда: бригадир Ҳ. Валиев билан сувчи Б. Давронов эгат бошида сувнинг бир меъёрда оқишини текширмоқдалар.

С. Безносов ва К. Николаев фотолари.

МАШИНА ТЕРИМИНИ КЎЗЛАБ

МАШИНА теримида ТАЙЁРЛАНИНГ

Кенг дала. Яшил квадратларда ғўзалар ипга чизилгандек бир текис. Ана шу карталардан кечагина трактор узунасига юриб ўтган. Мана бугун кўндалангига культивация қилинмоқда. Механизатор Мусулмонов агрегатни авайлаб ҳайдаркан, ғўзага шикаст етмаяптимикин? деб дамба-дам орқасига ўгирилиб қараб қўяди.

Агрегат картанинг этагига етиб бурилди-да, ҳозиргина келиб тўхтаган аравага рўпара бўлди. Ўртоқ Мусулмоновнинг ёрдамчиси чаққонлик билан сакраб, аравага тушди ва у ердаги ўғитларни курак билан «универсал»нинг ўғитлагичига сола бошлади.

Бир оздан сўнг кенг пахтазорда трактористнинг овози яна янграй бошлади.

Шийпон яқинидаги яслида болаларни овутиб ўтирган аёлдан сўрадик:

— Саодат қаерда?

— Этак томонда,—деди аёл,— участка бошлиғи Абдулла ака билан бирга кетган эди.

Пахтазор оралаб ўша томонга йўл олдик. Абдулла Рўзиматов кеча партия комитети бюросида бўлиб ўтган гапларни бригада аъзоларига тушунтираётган эди.

— Ҳозир ғўзасини ягана қилиб олмаган деҳқон, — куйиниб гапирарди у, — кейин пушаймон қиладн. Нега деганингизда ёғингарчилик кўп бўлиб ғўза димиқиб қоляпти. Демоқчиманки, у ердаги ортиқча кўчат бегона ўтдан ҳам хавфли. Сизларда культивация, озиқлантириш яхши боряпти, лекин яганада бир оз оқсаяпсизлар.

Абдулла аканинг гапларини диққат билан эшитиб турган Саодат бригада аъзолари номидан гапириб:

— Гапингиз тўғри, хотиржам бўлаверинг, эрта-индин яганани тугаллаймиз, — деди.

Саодат Гулаҳмедова билан дала айланиб, у бошчилик қилаётган бригада ишлари билан танишдик. Бригада 62 гектар ерда пахта етиштиряпти. Гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Ҳамма майдондаги ғўза бир мартта узунасига ва кўндалангига культивациядан чиқарилди.

Саодат бригадаси ҳар йилгидек бу йил ҳам машина теримини кўзлаб иш қилмоқда. Культивацияда ишнинг сифатига эътибор берилмоқда. Ҳаммаси бўлиб ғўза уч марта кўндалангига, беш марта узунасига культивация қилинади. Ҳар культивациядан кейин ғўзанинг талабига қараб сув қўйилади. Шу кунларда бригада аъзолари об-ҳаво инжиқликларини енгиб, ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлмоқдалар. Карталарни ораласангиз, бирон туп бегона ўтни кўрмайсиз.

Дала чеккаларига тўп-тўп қилиб маҳаллий ўғит уюб қўйилибди. Булар ғўзага «шарбат» қилиб оқизилади. Бригада аъзолари ёш ғўза қанча эрта озиқлантирилса, шунча барвақт ҳосилга киришини амалда синаб кўрганлар.

Н. РИХСИЕВ,
Бўка райони, Ҳамза номли колхоз.

ҚИЙИНЧИЛИК ЕНГИЛДИ

УРГАНЧ (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхози аъзолари бу йил 1562 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мўл ҳосил учун курашда колхоз механизаторлари байроқдор. Улар сел ва ёмғир оқибатида юз берган қийинчиликларни аър шижоат ва матонат билан енгдилар. Колхозда 1075 гектар ерда чигит қайта экилди. Барча майдондаги ғўзанинг яхши илдиз отиши учун қатқалоқ уч марта юмшатилди. Шундан кейин чигит бир текис ундириб олинди.

Ҳозир 1300 гектардан ортиқ майдондаги ғўза яхши ўсмоқда. Ғўза парвариши ва озиқлантириш қизитиб юборилди. 25 чопиқ трактори билан ғўза қатор оралари культивация қилинмоқда.

Колхознинг донгдор универсалчиларидан Қарши Раҳмонов, Машариф Айитбоев, Йўлдош Эгамов, Раҳимбой Жуманиёзов ўртоқлар бир-бирлари билан мусобақалашиб, мавсумда минг гектардан ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олганлар. Улар ҳозир кунига 7-8 гектардан майдондаги ғўзани сифатли культивация қилмоқдалар.

ОТАЛАР ТАШАББУСИ

Чуст районидаги «Ленинград» колхозининг кекса пахтакорлари 75 гектар қўриқ очдилар ва бу ерларга чигит экдилар. Бу майдонларнинг ҳар гектаридан 45-50 центнер ҳосил олишга аҳд қилган отахонлар ҳамма майдонларда чигитни текис ундириб олиб, кўчатларнинг тўлиқ бўлишини таъминладилар. Бу звеноларга Аббос ота Юнусхўжаев, Рафиқ ота Содиқов, Ражаб ота Саримсоқов каби тажрибакор пахтакорлар бошчилик қилмоқдалар.

С. ХОЛИҚОВ.

МИРЗАЧЎЛ ИШҚИ

Асар ҳам қолмади янтоқ,
тақирдан,
Бу боғни биз тортиб олдик чўл,
қирдан,
Чаманлар, бўстонлар бўлмади
бирдан,
Барисин ундирдик шу сахий
ердан,
Бу неъмат, бу туҳфа пешона
тердан.
Саҳронинг ҳалқуми қуриб ётарди,
Бағрига тиконлар — тиғлар
ботарди,
Саратон ёнарди, қиш совқотарди,
Тўкнан ёшларидан ери оқарди,
Барибир, ҳеч садо чиқмади
Сирдан.
Она ер ишқида биз куйдик-ёндик,
Битмас чашмасидан сув ичиб,
қондик
Кеч ётган бўлсак ҳам эрта
уйғондик,
Мирзачўл жамолин очиб, қувондик,
Яшнатиш қўшиғи ғўзалдир
шеърдан.
Лолалар рангида бордир қонимиз,
Шу Ер — шарафимиз, пок
виждонимиз,
Шу Ер — хазинамиз, битмас
конимиз,
Муқаддас шу тупроқ чин
маконимиз,
Шунингчун розимиз, дўстим,
тақдирдан.
Дарёлардан зўрроқ каналлар
қаздик,
Қўриқлар очдик биз, кўчат
ўтказдик,
Утлар гиламидан бахмаллар ездик,
Мирзачўл кўксига бахт хатин
ёздик,
Чўл сўзи ўзгарди буюк таҳрирдан.
«Фарҳод»нинг ёнида «Ширин»
боғлари,
Шовуллар ёш ўрмон баҳор
чоғлари,
Абадий ювилди ернинг доғлари,
Бўстондир овули ва қишлоқлари,
Бариси ленинча доно тадбирдан.

Ҳамид НУРИЙ.

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

ТЎРТКЎЛ (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Максим Горький номли колхозининг коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган Қ. Сафаров бошлиқ бригадаси аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига жавобан ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Бригаданинг ҳамма участкаларида яшил квадратлар яшнаб турибди. Ола кўкарган жойларга ҳам уруғ ташланиб, кўчатларнинг нормал қалинликда бўлиши таъминланди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида 154 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган бригада аъзолари ғўза қатор ораларини ишлашни озиқлантириш, суғориш билан қўшиб олиб бормоқдалар. Механизаторлардан Б. Ғориев, С. Оллоберганов ўртоқлар мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзани ишлаш мажбуриятини олиб, бу ишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бригадада яганалаш тугалланди. Майдонларни бегона ўтларга бостирмаслик чоралари кўриляпти.

КЎЧАТ УЧУН КУРАШ ЙЎҚ

Косон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленин йўли» ва «III Интернационал» колхозлари сурункасига икки-уч йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажаролмай, давлатдан қарздор бўлиб келмоқдалар. Бунга сабаб — бу хўжаликларда пахтачиликда кейинги йилларда агротехника қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти, ерларни чигит экишга тайёрлаш, тупроқ структурасини яхшилаш тадбирлари кўрилмаётир.

Афсуски бундан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига, ўша хатолар яна такрорланяпти. «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари 1100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Хўш, колхозда бу соҳада қандай иш қилинмоқда?

Аввало шуни айтиш керакки, колхозда чигит экиш чўзилиб кетиб, уруғ қуруқ тупроққа экилди. Натижада кўпчилик бригадаларда ҳозиргача 50 процент майдондаги чигит тўла кўкариб чиққани йўқ. Ўртоқ Прим Инатов бошлиқ бригадада 85 гектар майдоннинг 40 гектаридаги чигит чиққан. Бригадада кўчатларнинг тўла бўлиши учун курашилмаётир. Дала четлари ва ўқ ариқларнинг атрофларидаги ерлар бўш қолиб кетган.

Ўртоқ Худойқул Бозоров бошлиқ бригадада ўсимлик қатқалоқ орасида қолиб кетиб, мавжуд кўчатлар ҳам йўқ қилинмоқда. Қиличов, Омонов, Алалаёров ва Номозов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам аҳвол шундай. Колхоз бўйича бор-йўғи 500 гектар майдондаги чигит кўкартириб олинган, холос. Қолган 600 гектар майдонда эса 50 процент ҳам кўчат йўқ.

«III Интернационал» колхози майдонларида ҳам кўчатлар сийрак, Кожар участкасидаги ўртоқ Кенжа Бозоров бошлиқ бригаданинг 20 гектар майдонида фақат 70 процент кўчат бор. 21 гектар майдондаги уруғ эса қатқалоқ остида қолиб, йўқ бўлиб кетган.

Бу хўжаликларда ғўза парваришида техника кучидан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. «III Интернационал» колхозининг Фазли участкасида 4 та, Ҳамаши участкасида 8 та, Кожар участкасида 1 та трактор ҳар хил сабаблар билан бекор турибди. Равшан Бозоров, Бердибой Бадалов ўртоқлар каби механиклар бу тракторларни ишлатиш чораларини кўрмаётирлар. Шу сабабли колхозда ғўза парвариши юзасидан белгиланган кунлик график 30 процент ҳам бажарилмаяпти.

И. ОЧИЛОВ.

ОЛИМЛАР МАСЛАҲАТИ

ГЕКТАРЛАР ТЎЛА БЎЛСИН!

А. ДАДАБОЕВ,
биология фанлари доктори

□ □

Етти йилликнинг бешинчи йилида 3 миллион 566 минг тонна пахта етиштириб, саноатимизнинг қимматли хом ашёга бўлган талабини қондириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш йўлида дастлабки талабани қўлга киритдик. Кўпчилик область, ишлаб чиқариш бошқармалари ва пахтакор хўжаликларда чигит бир текис ундириб олинди. Баъзи областларда чигит ҳар йилдагидан 10-12 кун олдин униб чиқди. Бу — экишга пухта тайёргарлик кўрилгани, техника кампаниясига ўз вақтида тахт қилиб қўйилгани, чигит экиш ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказилганлигининг самараси, албатта.

Лекин май ойида ҳавонинг паст келиши, кетма-кет ёғиб турган ёмғир ғўза парваришида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ёғиб ўтган сел ва дўл катта-катта майдонлардаги ғўзаларга анча зарар етказди. Кўпгина хўжаликларда чигит қайта экилди. Ёмғир ва сел тупроқ юзасини қотириб қўйди, пахта майдонларида қатқалоқ пайдо бўлди. Янгача ўз вақтида ўтказилса, қатқалоқ юмшатилиб, ғўзанинг ривожи учун нормал шароит яратилса, пахтадан, шубҳасиз, мўл ҳосил олинади.

Пахтакор хўжаликларнинг асосий қисмида янгача ҳалигача тугалланган йўқ. Ҳавонинг совуқ, булутли бўлиши, тупроқда намнинг кўплиги ва ҳароратнинг пастлиги мурғак ғўза туплари ривожини сусайтириб қўяётир. Бунинг устига вақтида янгача қилинмай қисилиб қолиб, ҳавонинг намлигидан илдиз чириш касали пайдо бўлаётир. Бунинг оқибатида ғўза туплари камқувват бўлиб ўсмоқда, гоммоз касалининг кўпайиб кетиши хавфини туғдирмоқда. Бу қийинчиликларни енгиб, мўл ва арзон пахта етиштириш учун ғўза парваришини агрономия фани ва илғорлар тажрибаси асосида тўғри ташкил этиш керак.

Қатқалоқ босган, об-ҳаво паст келган шароитда ғўзаларнинг бир текис ривожланиши учун нималар қилиш керак? Мўл ва сифатли пахта етиштириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

Аввало, эрта униб чиққан кўчатларни нобуд қилмай тўла сақлаб қолиш зарур. Бир кун илгари ер бағридан бош кўтарган ғўзанинг ҳосили кузда уч кун эрта етилишини унутмаслик керак. Ҳозирги вақтда об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар, ҳар уяда 4-5 тадан ортиқ кўчат бўлмаслиги шарт. Чунки уяларда 8-10 тупдан ғўза бўлганида, илдиз чириш касали тез ёйилади. Оқибатда кўчатлар қуриб қолади, кўчат сони камайиб кетади.

Экин майдонлари атрофидаги сершох дарахтларни буташ лозим, токи ғўза туплари қуёш нуридан баҳраманд бўлсин. Қуёш нури етарли бўлмаса, ғўза ўз барглари орқали ҳаводан углекислота газини зарур миқдорда ололмайди. Маълумки, ўсимлик 90-95 процент миқдордаги озуқани ўз барглари орқали олади. Бунда қуёш нурининг етарли бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Тез-тез ёғиб турган ёмғир ерни қотириб қўйганлиги сабабли тупроқда ҳаво алмашиш тартиби бузилди. Қатқалоқ ғўза томирларини қисиб қўйди. Шу сабабли илдиз чириш касали тез тарқалади. Бунинг олдини олиш учун техника воситаларн ва мавжуд ишчи кучларини тўла ишга солиб, қатқалоқни тезда юмшатиш лозим.

Ғўзаларни тез ривожлантириш учун ниҳолларнинг ёшлигига қарамай, дарҳол озиқлантириш мақсадга мувофиқдир. Фан ва илғорлар тажрибаси асосида ёшлигида озиқлантирилган ғўзалар тез барг чиқаради, ҳар туп ғўзада кўп, соғлом ва йирик барглар пайдо бўлади.

Ҳозирги даврда ҳаво паст ва ерда нам сероб бўлгани учун кўпгина карталарда, айниқса дарахтлар ва тут кўчатлари орасидаги ғўзалар гоммоз касалига дучор бўлади. Бундай карталарда касаллик тез тарқалади. Бухоро, Тошкент областларидаги бир неча карталар кўздан кечирилганда, бегона ўтдан тозаланмаган майдонлардаги ғўзалар гоммоз билан касалланганлиги аниқланди. Шунинг учун экин майдонларини, уватларни, йўл ёқаларини, ўқариқ атрофларини бегона ўтдан тезда тозалаш ва дарахтларнинг пастки шохларини олиб ташлаш керак.

Баъзи хўжалик раҳбарлари қатқалоқни юмшатишда бороналардан фойдаланишдан бош тортадилар. Улар борона тишлари ғўза туплариға зарар келтиради, деб ўйлайдилар. Қатқалоқни йўқотишда бороналар сира иккиланмасдан фойдаланавериш керак, чунки унинг чиққан ғўза қатор оралари бороналанса, борона ўсимликка ҳеч қандай зарар етказмайди. Одатда бир гектар майдонга 120-130 килограмм чигит экилади. Бу — бир миллион туп униб чиққан кўчат демакдир. Айтайлик, борона тишлари 200-300 минг туп кўчатни нобуд қилган тақдирда ҳам, ҳар гектар майдонда 700-800 минг туп ниҳол қолади. Ҳолбуки, ҳар гектар ерда 120-130 минг туп кўчат сақлаб қолинса бас. Қолган кўчатлар яганалаш даврида юлиб ташланади. Бу соҳада Бухоро областининг Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда ибрат бўларли ишлар қилинмоқда. Бухороликлар бороналаш йўли билан ёш ғўзаларни қисқа муддатда қатқалоқдан қутқариб олдилар. Бухоро областининг бир қатор хўжаликларида бу тажрибадан кенг фойдаланилди.

Ҳозирги кунларда мавжуд имкониятларнинг ҳаммасини ишга солиб, ғўза туплариниг тез авж олиб ривожланишига эришиш зарур. Сўнгги кунлардаги булутли ҳаво ғўзаларнинг бир текис ривожланишига имкон бермаётир. Бундан ғўзаларимиз ҳали ёш, шунинг учун агротехника тадбирлари — озиқлантириш, культивация қилишнинг фойдаси йўқ, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чигит эрта экилган майдонлардаги ғўзалар кейинги экилганларидан бирмунча қари, лекин бўйи паст, холос. Зарур шароит яратилган тақдирда ҳам, бир кун эрта экилган бўлса-да, ғўзалар эртагилигини қилади. Ҳосил тугунчалари, гул, кўсак барвақт пайдо бўлади ва эрта пишади. Эрта чигит ташланган майдонлардаги ғўзалар ажралиб туради. Бу кеч экилган ғўзалардан юқори ҳосил етиштириб бўлмайди, деган гап эмас, албатта. Кеч экилган ғўзалардан ҳам тезпишар ҳосил етиштириш мумкин. Бундай ғўзаларни қатқалоқдан тезда қутқариш, ёшлигида яганалаш, озиқлантиришни, суғоришни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш керак. Ёз даномида ғўза кўнгилдагидай парвариш қилинса, мўл ҳосил етиштириш турган гап.

Пахтакор ўртоқлар, ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ва арзон пахта етиштириш учун сизлардан бир нарса талаб қилинади. Бақтнинг, шу долзарб кунларнинг қадр-қимматига етинг, меҳнат унумдорлигини тобора оширинг. Юқори ҳосилнинг тақдири сизларнинг меҳнатингизга боғлиқ. Мўл ва арзон пахта етиштириш йўлидаги муваффақиятлар қўлимизда. Ў ҳам бўлса, ғўза кўчатидир. Кўчатларни бут қилинг ва уни тўла сақлаб қолинг. Ҳар бир туп ниҳолни ёз бўйи меҳр билан парвариш қилинг. Шундагина пахтадан мўл ҳосил етиштирилади, мажбурият бажарилиб, ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

Молим ҳамиша тўқ бўлсин, сут оқими борган сари кўпайверсин деган чорвадор «озиқлик от — ҳоримас» деган мақолга амал қилади, вақтида қишга етиб ортиб қоладиган ем-хашак гамлаб қўяди. Жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришда мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтиришнинг аҳамияти ғоят каттадир.

Манкажўхори билан нўхат мол севиб ейдиган энг яхши озуқадир. Манкажўхори ва нўхатдан бостирилган силос сигирнинг сутига сут қўшади, мол тез эт олади. Хусусан, нўхатнинг дони ҳам, пояси ҳам оқсил моддаларига бой энг яхши тўйимли озуқадир. Сирдарё областидаги «Ударник» совхози Мирзачўл ерларини тобора кўпроқ ўзлаштириб, экинзор қилмоқда. Бу катта хўжаликда чўл қўйнидан тортиб олинган анчагина майдонга нўхат экилган эди. Ҳозир нўхатзорда иш қизғин. Бу қимматли экинни совхознинг биринчи ва бошқа бўлимидаги механизаторлар уюшқоқлик билан ўриб олмоқдалар. Суратларда: 1. Механизатор Эмирсанд Алмижитов нўхат ўриш пайтида. 2. Комбайнчи Зияддин Белялов ўрилган нўхатни ўз агрегати билан янчмоқда.

А. Абалян фотолари.



«МИНГ АРАВА ГАП»

Газетамизнинг шу йил 24 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида Хоразм областида бедачиликни ривожлантириш диққат марказидан четда қолаётгани, беда майдонлари тобора камайиб кетаётганига қарамай мавжуд майдонларда беда етиштиришга етарли эътибор қилинмаётгани кескин танқид қилинган эди. Хоразм область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. Муродов мақола юзасидан қуйидагиларни хабар қилади:

Область Совети ижроия комитети бу мақола юзасидан текшириш ўтказиб, натижасини 29 апрелдаги мажлисида муҳокама қилди, мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Беда майдонини кенгайтириш ва экиш планининг бажарилиши устидан зарур контроллик ўрнатилмагани маълум бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи О. Оратовский ва бошқарманинг бош агрономи Ш. Худойберганов ўртоқларнинг бу муҳим ишга ўтакетган бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараб келганликлари алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга область ижроия комитети ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқларини ва барча колхозларнинг раҳбарларини бу йилги беда экиш планининг тўла бажарилиши ва юқори ҳосил етиштирилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирди.

БУГУН— ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

ЧЕГАРАМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Чегара қўшинлари Бош бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник П. И. ЗИРЯНОВ билан суҳбат

□ □

СССРнинг давлат чегараси денгиз юзалари ва дарё соҳиллари бўйлаб, тепаликлар ва ўрмонлар орқали, тундра ва чўл-биёбонлар бўйлаб ўтади. Совет чегарачилари совуқ Шимолда ва жазирама Жанубда, қор бўронлари бўлиб турган ва сўнмас ёғиб турган вақтларда — ҳамма жойда ва ҳамма вақт Ватан чегараларини сергаклик билан қўриқлаб турибдилар.

Чегара қўшинлари тузилганлигининг 45 йиллиги арафасида ТАСС мухбири А. Сербин СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети Чегара қўшинлари бош бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник П. И. Зиряновга мурожаат қилиб, совет чегараларининг содиқ посбонлари бажараётган жанговар хизмат тўғрисида гапириб беришни сўради.

— Чегара қўшинларимизнинг тарихи, — деди генерал-полковник П. И. Зирянов, — Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг ташкилотчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғланган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилиши биланоқ Владимир Ильич ёш Совет давлатининг чегараларини тузишга доир бир қанча кўрсатмалар ва фармойишлар берди. 1918 йил 28 майда эса В. И. Ленин «Чегара муҳофазасини таъсис этиш тўғрисида»ги декретни имзолади. Шу кун совет чегара қўшинлари тугилган кун бўлиб қолди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, чегарачиларимизнинг хизматини Совет Армияси ва Давлат хавфсизлиги органларининг қаҳрамонона тарихидан ажратиб бўлмайди. Чегара жангчилари ленинчларнинг шонли традицияларини муқаддас билиб сақламоқдалар. Революциянинг қўрқмас боҳодири Ф. Э. Дзержинский чегара қўшинларини мустаҳкамлашда, жангчиларни Ватанга ва Коммунистик партиянга чексиз садоқат руҳида тарбиялашда кўп иш қилди.

Совет чегара қўшинлари 45 йил ичида шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Душманларга қарши қандай оғир шароитда курашишга тўғри келган бўлса ҳам, қандай мураккаб вазиятда хизмат қилинган бўлса ҳам чегарачилар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳамиша уддалаб келдилар.

— Ватанимизни ҳимоя қилишда чегарачилар қандай қатнашганлигини батафсилроқ гапириб беришингизни истар эдим.

— Чегарачиларнинг юксак маънавий-сиёсий ва жанговар сифатлари Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса яққол намоён бўлди. Улар енгил отиш қуроли билан-гина қуролланганлари ҳолда, немис-фашист босқинчиларнинг зарбасига биринчи бўлиб дуч келдилар ва мардларча курашдилар. Заставалардан биронтаси ҳам бўйруқ олмай туриб чекингани йўқ. Заставаларнинг ҳар қайсиси қўриқлаш нималигини билмайдиган жасур кишилар ҳимоя қилиб турган кичкина қалъа эди.

Чегарачилар ўзларини руҳи бузилмас ва ўзларининг бурчини юксак даражада тушунган кишилар эканликларини кўрсатдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони старший лейтенант Кайманов бошчилигидаги чегарачиларнинг кичик бир гарнизони йўллар узелини душман тўхтовсиз ёғдириб турган ўт остида қариб уч ҳафтагача ушлаб турди. Лейтенант Лопатин бошчилигидаги застава душманнинг анча кўп кучини ўн бир кун овора қилиб турди.

1941 йилнинг июнь кунларида бўлган жанглардан қолган асарлар шу кунгача ҳам гарбий чегараларимизда тошилмоқда. Найзалари қайрилган милтиқларни, пулемётларнинг пачақланган дискларини, занг босган тўппончаларни биноларнинг вайроналари остидан, бузилган окоплардан топиб олмоқдалар. Лекин биронта пулемёт дискида, биронта тўппонча ва милтиқда ўқ қолганлиги маълум эмас. Чегарачилар Ватанимиз чегараларини охирги ўқлари қолгунча ҳимоя қилиб турдилар.

Ҳаракатдаги армия сафларида ва партизанларнинг отрядларида хизмат қилган чегарачилар гитлерчилар Германиясига ва империалистик Японияга қарши олиб борилган жангларда жуда кўп ва катта ҳарбий қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Ватан уларнинг жанговар ишларини юксак даражада тақдирлади. Чегарачилардан 13 мингдан кўпроқ киши ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Шулар орасида юздан кўпроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

— Чегара жангчиларининг ҳозирги кундаги хизмати ҳақида нималар дейиш мумкин?

— Мамлакатимиз давлат чегарасининг қуруқликдаги ва денгизлардаги ҳамма участкаларида тинчлик вақтида ҳам жанговар ҳаёт жўш уриб турибди. Социализм душманлари мамлакатимиз қувватига ҳавфсизлигига махфий йўллар билан путур етказишга уринмоқдалар. Чегарачиларимиз чет эл разведкалари агентларининг тактикасини ва иш усулларини синчиклаб ўрганмоқдалар, улар томонидан маккорлик билан қилинаётган ишларнинг пайини қирқмоқдалар, чегара муҳофазасини мустаҳкамламоқдалар, жанговар ва сиёсий тайёргарликни зўр бериб такомиллаштирмоқдалар.

Чегара қўшинларининг ҳозирги кундаги хизматида чегарачиларнинг сиёсий онги ва ҳушёрлиги ошганлигини, уларнинг фидокорона ҳарбий механизми кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Урушдан кейинги йилларда Александр Коряков, Иван Васюхно, Михаил Козлов ва бошқа жасур чегарачилар Ватан хавфсизлиги йўлида жонларини фидо қилиб, жуда катта қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Жанговар чет эл разведкаларининг кўпгина ашаддий агентларини қўлга туширдилар, чегарадош капиталистик давлатлар томонидан қилинган бир қанча ифвогарликларни тугатдилар, контрабандистларнинг Ватанимизга зиён етказиш йўлидаги жуда кўп уринишларини даф қилдилар. Масалан, шу йил январь ойида ўрта Осиё чегарасидаги чегарачи нарядларимизнинг бири душманлар билан жанговар тўқнашув бўлиб турган шароитда контрабанда йўли билан олиб келинаётган 240 минг сўмлик молни топиб олди.

Офицер Вербовский заставасидаги чегарачилар яқинда ўзларини чегараниг жасур ва сергак соқчилари эканликларини кўрсатдилар. Капитан Астафьев бошчилик қилаётган заставадаги чегарачилар наряди жанубий чегара участкаларидан бирида яна бир қуролли шайқанинг йўлини тўсди. Оддий чегарачилардан бўлган Жиглов ва Войт капитан Астафьев билан бирга зўр маҳорат ва зийраклик кўрсатиб, моҳирлик билан ҳаракат қилиб, бандитларни йўқ қилдилар, аммо ўзлари талафот бермадилар.

Чегарачиларнинг хизмат ва ҳарбий маҳорати йилдан-йилга ўсмоқда. Коммунистлар ва комсомоллар қўшинларимизнинг актив жанговар кучидир. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, комсомол ва ёш жангчилар орасида 580 дан кўпроқ киши «СССР давлат чегарасини муҳофаза қилишдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотланди ва 1.700 дан кўпроқ киши ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Чегарачилар ўзларининг қаҳрамонона хизматларини севадилар, ўзларига кўрсатган ишонч билан фахрланадилар. Қаҳрамонона хизматга бўлган бу муҳаббат жангчиларнинг бир авлодидан иккинчи авлодига, акадан укага, отадан ўғилга мерос бўлиб қолмоқда. Масалан, Ватан урушн қаҳрамони, иродали ва моҳир командир К. Гребенникнинг номи қўшинларимиз орасида кенг кўпчиликка маълум. Унинг ўғли ҳозир чегарачилар қисми штабига бошчилик қилмоқда ва ўз вазифасини аъло даражада бажармоқда. Офицер Г. Босий отасининг муносиб ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда. Застава бошлиғи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Лопатиннинг ўғиллари — застава офицери Анатолий ва ҳозирги вақтда чегарачилик билим юртини тамомлаётган Вячеслав отасининг изидан борди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, урушдан кейинги йилларда Совет Иттифоқининг чегара қўшинлари чегарадош социалистик давлатларнинг чегарачилари сифатида содиқ ва ишончли дўстларга эга бўлиб қолдилар. Бу мамлакатлар билан бўлган чегаралар бузилмас дўстлик ва қардошлик чегаралари бўлиб қолди. Энди лик душманнинг йўлини иккн қатор ғов тўсиб турибди: совет чегарачилари билан бирга социалистик мамлакатларнинг чегарачилари ҳам ўз хизматларини садоқат билан бажармоқдалар.

— Чегарачиларнинг маҳаллий аҳоли билан дўстлиги қандай мустаҳкамланмоқда?

— Чегарачиларнинг маҳаллий аҳоли билан мустаҳкам ва амалий дўстлиги қўшинларимизнинг шонли жанговар традицияси бўлиб қолди. Совет чегара қўшинларининг кучи шундаки, улар халқ билан мустаҳкам, чамбарчас алоқа боғлаганлар. Чегарадаги қишлоқларни, овулларни бизнинг иккинчи чегара заставаларимиз, деб бемалол айтиш мумкин. Ишчилар, колхозчилар, комсомоллар ва пионерлар чегара муҳофазасини мустаҳкамлашда чегарачиларимизга актив ёрдамлашмоқдалар.

М. А. Михайлова деган ишчи хотин чегарани бузувчилар йўлини дадиллик билан тўсиб чиқди. Чегарани бузувчилар ўрмон ичида шу хотинга дуч келиб қолиб, ундан чегарага олиб борадиган йўлни сўраб билиб олмоқчи бўлдилар. Бу аёл улардан шубҳаланиб, атайин чалкаш йўлни кўрсатди, аммо ўзи бу ҳақда дарҳол чегара постига хабар қилди. Орадан сал фурсат ўтмай, чегарани бузган кишилар ушлаб олинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган йил чегарани бузиб ўтганлардан ҳаммасининг тўртдан бир қисми Ватанимизнинг жанговар ватанпарварлари бўлган халқ дружиначиларининг ёрдами ва иштироки билан қўлга туширилди.

Кўнгилли халқ дружиналари, чегарачилар ёш дўстларининг отряддари давлат чегарасининг муҳофазасини мустаҳкамловчи зўр куч бўлиб қолдилар. Кўпгина совет гражданлари душман агентларига қарши курашда актив қатнашганликлари учун ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар. Масалан, ўтган йил чегара районларидаги аҳолидан юзга яқин киши ҳушёрлик ва ташаббускорлик билан ҳаракат қилганликлари учун «СССР давлат чегарасини муҳофаза қилишдаги аъло хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

* * *

Коммунистик партия совет чегараларини мустаҳкамлашга, бу чегаралар муҳофазасини кучайтиришга ҳамиша ғамхўрлик қилмоқда ва эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг қўшинларимиз хизматига доимий эътибор бериб турганлиги чегарачиларни қувонтирмоқда ва руҳлантирмоқда.

Кўк фуражкали жангчиларимиз, халқ зўр ишонч билан қараётган чегарачиларимиз, деди пировардида генерал-полковник П. И. Зирянов, совет халқининг тинч меҳнатини ва хавфсизлигини таъминлаш учун ўзларининг бутун кучларини, керак бўлиб қолганида эса жонларини ҳам фидо қилишга тайёрдирлар. (ТАСС).

Жанубий чегараларимиздаги заставалардан бирида. Суратда: ўз бурчини садоқат билан бажараётган чегарачилардан А. Нечитайло ва В. Дмитриевлар дозорда.

Б. Немрут фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ФРАНЦИЯДАН КЕЛГАН ДЎСТЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турган Франция Коммунистик партияси масъул ходимларининг делегацияси Ўзбекистон билан танишишни давом эттирмоқдалар.

Франциялик меҳмонлар Тошкентдаги В. И. Ленин номли давлат университетига бордилар. Улар университет ректори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов билан суҳбатлашдилар, студентлар билан учрашдилар. Ўрта Осиёдаги ана шу энг кекса олий ўқув юрти тақдил топган кунининг 40 йиллигига бағишланган фильмни томоша қилдилар.

26 май эрталаб делегация аъзолари Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозига қараб йўл олдилар. Франциялик ўртоқлар ана шу донгдор колхозининг далаларини, фермаларини, жамоат муассасаларини кўздан кечирдилар. Колхоз меҳнаткашлари йил сайин пахта, ғўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил оширмоқдалар.

Меҳмонлар колхоз активлари билан учрашдилар. Улар делегация аъзолари орқали Франциянинг барча коммунистларини қизғин табрикладилар, колхоз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган муваффақиятлари ҳақида гапириб бердилар.

Делегация бошлиғи ўртоқ Гюстав Ансар ўз нутқида колхоз муваффақиятларига юксак баҳо берди, қишлоқ хўжалик артелининг пахтакорлари, чорвадорлари ва бутун коллективига коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Меҳмонлар Тошкентга қайтиб келгач, шаҳар бўйлаб сайр қилдилар, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

27 май эрталаб Франция коммунистларининг делегацияси Самарқандга жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

ЖАЗОМИ БУ, ҲОМИЙЛИКМИ?

Андижон шаҳрининг вокзал майдони ёнида каттагина фотография устахонаси бор. У ерда С. Ферус, З. Хабчик, Н. Хачатуров, И. Соболь, Б. Аронов, Х. Хачатуров, Р. Бангиев хизмат қиладилар. Устахона планни ойма-ой тўла ва ошириб бажаргани учун шаҳар саноат комбинатининг раҳбарлари фотографларни икки ганнинг бирида мақташар, мажлис-маъракаларда бошқа фотографларни улардан ибрат олишга чақиришар эди.

— Киройи уста бўлса, ана шулар сингари бўлсин, — дейишарди раҳбарлар оғиз тўлдириб. Шунинг учун ҳам бу томонга бирор марта қиё боқиб қўйишмасди.

Усталар эса планни юз қилиш билан ўз бошлиқларининг кўзини боғлаб қўйиб, бемалол давлатни алдаш, заказчиларни шилиш ва шу орқали нафсни қондириш пайида юрган эдилар.

Мана рад этиб бўлмайдиган далиллар. 1960 йилда Ферус, Хабчик, Хачатуров ва уларнинг бошқа шериклари Андижон педагогика институтининг студентларига, шунингдек, шаҳарнинг 8, 15, 29, 30 ва 32-ўрта мактаб ўқувчиларига группа ҳолида тушган кўпгина фотокарточкаларни тайёрлаб бердилар. Улардан ундирилган 1.330 сўм пул ўргада таксим қилинди.

Бу ҳийланинг хамиридан қил суғургандек осон кўчгани текинхўрларни ҳаволантириб юборди. Улар енг шимариб каттароқ ишларга чанг солдилар. Группа ҳолида расмга олиш, фотоальбомлар тузиб бериш йўли билан студент ва ўқувчилардан салкам 2000 сўмни уриб қолиб, ямламай ютдилар. Бундан ташқари медицина институтидан икки альбом учун 3 минг сўм олинди. Бунинг асосий қисми Зельман Хабчик ва Михаил Соболларга тегди.

Шуниси қизиққи, ўғрилар катта заказчиларга квитанция беришмасди, бундай вақтларда квитанция бериш уларнинг «эсидан чиқиб» қолар эмиш. Промкомбинат раиси Жалилова, бош инженер Шмулевич ўртоқлар мазкур устахонада қилинаётган кўзбўямачилик, ўғриликдан бехабар бўлишлари мумкин эмас эди. Лекин улар Хабчик, Соболь ва бошқаларнинг нафсига ғишт босиб қўйиш ўрнига кўзни кўр, қулоқни кар қилиб юравердилар.

Қирғин ишнинг қийиғи чиқмай қолмади. Шаҳар ижроия комитетининг ОБХСС бўлими қилвир фотографларнинг жиноятини очиб ташлади. Ферус, Соболь, Хабчик, Хачатуров, Аронов, Бангиевлар устидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 174-моддасига мувофиқ жиноий иш қўзғаб, уларнинг ишини прокуратурага топширди.

Кишилар давлат корхонаси вивескаси остида шахсий бойлик тўплаётган жиноятчилар қўлга тушди, энди қилмишларига яраша жазо олишади деб турганда, область прокурорининг ёрдамчиси ўртоқ Бибиков «балогардон» бўлиб чиқди.

— Шунга ҳам судми? — деди у парво қилмагандай бўлиб, — планни дўндириб келишаркан. Енларидан материал сарфлаб иш бажаргандан кейин даромадни бегона қилишармиди!

Бибиков делони ёпди-да, ўртоқлик судига топширди. Уни Хабчикнинг яқинда сотиб олган шоҳона уйи ҳам қизиқтирмади. Усталарга ҳам худди шу нарса керак эди, улар Бибиковнинг отаонаси ҳақига дуо ўқиб, жамоатчилик судидан виговор билан қутулиб кетдилар.

Прокурор ёрдамчисининг қилмишига ёқа ушлаб қолади киши: ўтган йили «Шарқ» кинотеатри ёнидаги фотоателье устаси Калим Галиев бир заказчидан квитанция ёзиб бериб 50 сўм аванс пул олгани учун жиноятчи ҳисобланиб, ишдан қувилган эди. Группа бўлиб, каттакатта суммани сув қилаётганлар эса жиноятчи ҳисобланмас эмиш.

Бибиковнинг кичик жиноятни ошириб, катта жиноятни яширгб юриши жамоатчиликни таажжубланттирмоқда.

Н. ҲАКИМОВ, М. АБДИКАРИМОВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

200 кичкинтойга мўлжалланган ясли биносининг ишга туширилганлиги Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхози аъзоларини хурсанд қилди.

А. АБДУЛАҲАТОВ.

Қорақалпоғистон АССР Амударё район бирлашган касалхонаси врачларининг ташаббуси билан район марказида согликни сақлаш халқ университети очилди.

Э. ЖУМАНИЁЗОВ.

Пойтахтимиздаги алоқа ва радиотехника институти ҳузурида очилган жамоатчи касб эгалари тайёрлайдиган университетни 150 киши битириб чиқди. Битирувчилар — лектор, мухбир, спорт инструктори каби касбларни эгаллашди.

Ж. УМАРҚУЛОВ.

Термиз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Пушкин номли мактаб ўқувчилари 3500 туп кевали дарахт кўчати ўтқазган эдилар. Улар кўчат ораларига эртаги қарам, помидор, бодринг, қовун-тарвуз ва сабзавот экинлари экиб, парвариш қилмоқдалар.

М. РУСТАМОВ.

ҲАЛОЛЛИК

3- синф ўқувчиси Тоштемир Зоиров мактабдан келаётиб, «Бойсун» совхози йўлидан қоғозга ўралган бир нарса топиб олди. Қоғозга 500 сўм пул ўроғлик эди. У пулни ўқитувчи Сагит Афзаловга топширди. Бу пулни Бойсун заготскотининг директори Е. Бўриев банкадан келаётиб тушириб қолдирган экан. У Шеробод районидаги Маяковский номли мактаб ўқувчиси Т. Зоировдан ва уни тарбия қилаётган ўқитувчилардан чексиз миннатдор бўлди.

Ж. НАРЗУЛЛАЕВ.

ОЛАМДА ЯНГИЛИКЛАР ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

⊙ Халқ Хитойида ўу йил 860 минг тонна балиқ ва денгиз промисловсининг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш мўлжалланди. Балиқ саноатининг меҳнаткашлари ана шу вазифани бажариш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар.

⊙ Англияда нарх-наво тобора ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг октябридан тортиб ҳозирги пайтгача чакана нархлар индекси 101,4 пунктдан 104 пунктгача ошди. (1962 йил январь даражаси 100 пункт ҳисобида олинади).

⊙ Австралия парламенти мамлакатнинг ғарбий қисмида Америка ҳарбий денгиз кучлари учун коммуникация базаси қуриш тўғрисидаги Австралия-Америка битимини тасдиқлади.

⊙ Жанубий Вьетнамда апрель ойида Америка интервентларидан яна 10 киши партизанларнинг ўқидан ҳалок бўлди. Шу йилнинг бошидан буён интервентларнинг 112 солдат ва офицери ўлдирилди ва яралар қилинди.

(ТАСС).

ЯПОНИЯДА ЗИЛЗИЛА

ТОКИО, (ТАСС). Японияниг марказий ороли бўлган Хонсюда 25 майда ер қимирлади. Метеорология бошқармасининг берган хабарига қараганда, зилзиланинг маркази Ибараки префектурасининг соҳилида 40 километр чуқурликдадир. Зилзиланинг кучи Мито ва Какиока шаҳарларида 2 баллга, Орахамада 7 баллга етди.

АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ

АДДИС-АБЕБА, 26 май. ТАСС махсус мухбирлари С. Лосев, Н. Олейников ва Р. Серебрянников хабар берадилар:

Африкадаги ўттиз бир мамлакат давлатлари ва ҳукуматларининг бошлиқлари кечаги охирги мажлисда Африка бирлиги масалаларига бағишланган хартияни тасдиқладилар ҳамда деколонизация, апартеид ва ирқий камситиш, ёппасига қуролсизланиш ва Африка мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги проблемалари юзасидан резолюция қабул қилдилар.

Конференция деколонизация ga бағишланган резолюцияда Африкадаги ҳали ҳам мустамлака зулми остида бўлган барча территорияларга сўзсиз мустақиллик берилишини талаб қилади ва озодлик учун курашчиларга ёрдам кўрсатишнинг конкрет тадбирларини белгилайди. Миллий озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсатиш махсус фонди тузилди. Миллий озодлик учун курашчиларга зарур мадад кўрсатиш учун кўнгиллилар тўплаш кўзда тутилади. Конференцияда тузилган координация комитети ёрдам кўрсатиш ишларига раҳбарлик қилади. Бу комитетга Эфиопия, Жазоир, Уганда, Бирлашган Араб Республикаси, Танганьика, Конго (Леопольдвиль), Гвинея, Сенегал ва Нигерия кирди. Комитетнинг штаб квартираси Дорассаломда бўлади. Резолюцияда кўрсатилишича, Фервурд ва Салазар ҳукуматлари деколонизация ўтказишдан бундан буён ҳам қатъий бош тортаверадиган бўлса, Африкадаги барча мустақил давлатлар Жанубий Африка Республикаси ва Португалия билан дипломатик ва консуллик муносабатларини узадилар. Бу иккала мамлакатдан импорт қилишни тақиқлаш ёки Португалия ва Жанубий Африка Республикаси кемалари ва самолётларининг Африка мамлакатларидаги портларидан, аэродромларидан ва ҳаво йўлларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилиш йўли билан Португалия ва Жанубий Африка Республикаси товарларига таъсирли бойкот жорий қилинади.

Давлатларнинг бошлиқлари Англия ҳукуматини огоҳлантириб айтадиларки, Жанубий Родезияда бутун ҳокимият оқ танли озчилик қўлида қолаверадиган бўлса, конференция қатнашчилари бўлган мамлакатлар Жанубий Родезияда ҳокимиятнинг африкалик аҳолиси қўлига ўтиши учун миллий озодлик ҳаракатига самарали маънавий ва моддий мадад кўрсатадилар.

Жанубий Африка Республикасининг Ғарби-Жанубий Африкани (бу мамлакатнинг халқи мустақиллик ҳуқуқига сўзсиз эга) аннексия қилиш йўлидаги уринишига агрессия акти деб қаралади. БМТга ташқи ишлар министрларининг делегацияси юборилиб, бу делегация Африкадаги барча давлатлар номидан Африкадаги Португалия мустамлакаларидаги аҳволни кўриб чиқиш учун Хавфсизлик Кенгашининг чақирилишини талаб қилади.

Африкадаги мамлакатлар давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг конференцияси Африкадаги барча территорияларга мустақиллик беришнинг узил-кесил муддатининг белгиланишини ҳам талаб қилди.

«Африка, қўшилмаслик ва БМТ» деб аталган резолюцияда Африка мамлакатларидаги давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили сифатида БМТни мустаҳкамлаш иштиёқларини таъкидлайдилар, шунингдек Хавфсизлик Кенгаши, да ва БМТнинг бошқа ташкилотларида Африка мамлакатлари вакилларининг кўпайтирилишини қатъий талаб қиладилар.

Резолюция барча давлатларнинг, айниқса Жанубий Африка Республикаси билан муносабатда бўлган давлатларнинг апартеид ҳақидаги БМТ резолюциясини қатъий бажаришларини талаб қилади. Конференция ирқий камситиш кўринишлари муносабати билан Африка халқлари ва ҳукуматларининг ҳаммаси ташвиш тортаётганлигини билдиради.

Иқтисодий масалалар бўйича резолюцияда кўрсатиладики, давлатларнинг бошлиқлари иқтисодий тайёргарлик комитети тузишга қарор қилдилар. Бу комитет БМТнинг Африка учун иқтисодий комиссияси билан биргаликда Африка мамлакатлари давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг конференцияси Африка атомсиз зона бўлиши керак деган принципга содиқ эканликларини тасдиқлайдилар. Конференция ядро қуролини ишлаб чиқариш ва синашни тақиқлашга, унинг мавжуд запасларини йўқотишга, шунингдек Африка территориясидаги ҳарбий базаларни тугатишга чақиради.

Конференция буюк давлатларга яқинлик билан мурожаат қилиб, одлий қурол-яроғ запасларини қисқартириш йўлида тадбирлар кўришга, зўр бериб қуроллашишнинг тўхтатилишига, жиддий ва самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномани имзолашга даъват этади.

ЛОНДОН БАНКИДАН ОЛТИН ЎҒИРЛАНДИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Лондоннинг молия-саноат маркази бўлган Ситида жуда кўп олтин ўғирланди.

Пол-Стиритдаги банк хазиналаридан бирига Ротшильд банкидан 80 та қуйма олтин келтирилганидан кейин орадан кўп ўтмай ниқоб кийиб олган уч гангстер қуппа-кундуз куни шу хазинага бостириб кирган. Бандитлар полицияларни беҳуш қилиб, жами 280 минг фунт стерлинглик 40 та қуйма олтинни ўғирлаб, ўзларини кутиб турган автомашинага ўтирганлар ва ғойиб бўлганлар. Полиция бу воқеани текширмоқда. Бу ўғирлик «Лавендер-Хилладаги ўғрилар шайкаси» деб аталган ва гангстерлар ҳаётига бағишланган кинофильмдаги воқеани жуда эслатиб турибди.

Яқинда Бирмада ҳукумат қарори билан ҳамма банклар национализация қилинди. 8 та бирма ва 14 та чет эл банки ҳукумат ихтиёрига ўтказилди. Суратда: собиқ инглиз «Нейшинл энд Гриндлойз банк лимитед» филиали — 10.Халқ банки ёнида.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/V да **Майсаранинг иши**, 29/V да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/V да **Булутлар тарқалса...** 29/V да **Тобутдан товуш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—29/V да **Тошболта ошиқ**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28, 29/V кеч соат 8 да **Ўзбекистон санъат усталарининг концертлари**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Дада сотиб олдим—«ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 9 да), «СПУТНИК» (эрталаб соат 9,11 ва кундуз 1 да).

Пароль «Виктория» — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Шипка қаҳрамонлари — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 5 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ДРУЖБА» (кундуз 1,2, кеч 6 ва 10 да), «ВОСТОК» (кундуз соат 1, кеч 5,7 ва 10.40 минутда).

Шарқ аёллари — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Сенинг ҳам севгинг — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тинч осмон (кундуз соат 2 ва кеч 6 да), **Уч миллион ҳақида сўз** (кундуз ва кечқурун — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ».

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбек тилида

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

ва рус тилида

«СИРДАРЬИНСКАЯ ПРАВДА»

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Бу газеталар ҳафтада 5 марта, «Правда» газетаси форматида 4 саҳифали бўлиб чиқади.

Обуна баҳоси: бир ойга — 44 тийин, уч ойга — 1 сўм 32 тийин, ярим йилга — 2 сўм 64 тийин.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари, да, шаҳар ва район алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258 Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323 Масъул секретарь — 34435. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226 Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258 Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08219. Индекс 64543. Нашр. № 123.